

«Ҳилол»ни соғиндим...



15:30 / 24.07.2020 2243

(карантин пайтидаги ўйларим)

*Ушбу мақолани бир мухлисамиз GRAND TA'LIM (@grandtalim) томонидан ўтказилган «**Кеча ва бугун: неъматлар қадрини англамоқдамиз**» танловига юборган эканлар. Ҳайъат аъзолари бизга тақдим қилишди.*

Нашриётни соғиндим... Яна талай китоб дўконларини... Карантин туфайли уйдаман... Бўш бўлдим дегунча етиб борардим. Борардим-да, пулим камроқ бўлишига, баъзида эса охириги пулим бўлишига қарамай, битта бўлса ҳам янги китоб сотиб олиб, хурсанд бўлиб уйга қайтардим.

Уйга етиб боргунча ҳам сабрим етмай, йўл усти, ҳар доимги жойим – Юнусободдаги «Хотира хиёбони»да тўхтардим. Янги китобимни ўқишни кўпинча ўша ерда бошлаб олардим. Сокинлик, ёқимли ҳаво, гўзал манзара... Ўша ширин дақиқалар Роббимнинг туҳфаси экан...

Ҳозир Тошкентдан, у ерлардан узоқдаман. Йўллар берк, карантин ҳам яна узайди. У ерда юрган кезларим мутолаа завқи ўзгача бўларди. Бугун ўша ҳисларни қўмсаяпман...

Мадина, Макка шаҳарлари қадар бўлмаса ҳам, соғинчим чексиз... У ерларни қўмсаяпман. Мутолаагоҳимни, «Кўкалдош» яқинида қатор

тизилган китоб дўконларини, у ерларга олиб борар йўлларни... Айниқса, нашриётни соғиндим. Ҳа, азиз Ҳазратимнинг асарлари чоп этиладиган, Мусҳаф нашр этиладиган ўша «Ҳилол» нашриётимни...

Китобингиз карантинда ўқиб олинг!

Тақдир экан, юртга келди вирус касал,
Яқин ўтмиш кўрмаганди бундай масал.
Бекорчилик енгинг энди, ҳеч зерикманг,
Китобингиз карантинда ўқиб олинг!

Таваккулни қилиб, Ҳаққа шукр айтиб,
Фафлат чўмган бу дунёдан илмга қайтиб.
Мутолаа мазасию гаштин тотиб,
Китобингиз карантинда ўқиб олинг!

Ваҳиманинг касалига чалинманг сиз,
Суҳбатларга дўст ахтариб ялинманг сиз.
Ўтган вақтнинг ҳисобига ачинмайсиз,
Китобингиз карантинда ўқиб олинг!

Мўминларга келган синов, ҳар не яхшиликка,
Иншааллоҳ, бу юрт яна қайтар сокинликка.
Фарзандингиз қизиқтиринг ўқиш, билимга
Китобингиз карантинда ўқиб олинг!

Сиздан бошқа қанча қўлга бориб етган,

Марвариддай эгасига муштоқ ётган,
Варақланмай, уйда ёлғиз қолиб кетган
Китобингиз карантинда ўқиб олинг!

Сабриянур Шухратжон қизи